

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 330.341.44.334.75.(575.1)

ТЎХТАМУРОДОВ ИХТИЁР РЎЗИБОВЕВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРЗДА
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси
мисолида)**

5А 230108 - Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Н.Т.Ўрмонов

ТОШКЕНТ – 2018

Магистрлик диссертация иши долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, унда Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари асосида давлат ҳаридларини ташкил этишда тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишнинг назарий асослари баён этилган. Давлат мақсадли жамғармалари, хусусан, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ишлатилишида танлов ва тендерларни самарали ташкил этишнинг тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришдаги ўрни ёритилган. Шунингдек Давлат мақсадли жамғармалари тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишнинг институционал асосларини такомиллаштиришдаги истиқболли йўналишлари аниқланган ва уларни миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш амалиётига татбиқ этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

The master's dissertation is devoted to the current issue, in which the theoretical bases of antimonopoly regulation of entrepreneurship activity in the organization of state purchases on the basis of funds of State Targeted Funds. Specifically, the State Targeted Funds, in particular the Fund for Reclamation of Irrigated Lands, have been elaborating the role of effective selection of tenders and tenders to improve entrepreneurial activity. Also, promising directions of improving the institutional bases of antimonopoly regulation of State Targeted Funds were identified and scientific recommendations and practical recommendations were developed to implement them in the national economy stabilization practice.

Магистрлик диссертация иши “Корпоратив бошқарув” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 38 - сонли баённома « 15 » май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д. доц. Ўрмонов Н.Т.

Тақризчи:

Магистр: Тўхтамуродов И.Р.

ИМЗО
ИМЗО
ИМЗО

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Корпоратив бошқарув” кафедраси
мудирини доц. Д.Бегматова
“ 12 ” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “ 18 ” май соат 14:00 да Т. давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	4
I БОБ. Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари	10
1.1. Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишда Давлат мақсадли жамғармаларининг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги.	10
1.2. Давлат мақсадли жамғармалари – давлат харидларини ташкил этишнинг бўғини сифатида.	16
1.3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этишнинг зарурлиги.	18
Биринчи боб бўйича хулосалар	24
II БОБ. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлили	25
2.1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидаги ўзгариш динамикаси.	25
2.2. Танлов ва тендерларнинг Жамғарма маблағларининг самарали ишлатилишидаги ўрни.	34
Иккинчи боб бўйича хулосалар	47
III БОБ. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятининг такомиллаштириш йўллари	48
3.1. Давлат мақсадли жамғармалари фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасини Ўзбекистон амалиётида қўллаш.	48
3.2. Жамғарма фаолиятини ривожлантириш ва унинг имкониятларини ошириш йўналишлари.	55
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	67

Кириш

Магистрлик диссертация мавзуининг долзарблиги. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида монополияга қарши тартибга солиш нафақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожини таъминловчи омил, айти пайтда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи восита, иқтисодий жараёнларни юксалтириш усули сифатида тан олинган.

Айниқса, рақобатнинг дифференциал ва интеграл шаклларда амалга ошиши унинг айрим соҳаларда тармоқлашувини, аксарият ҳолларда жамиятнинг нисбатан ажратилган баъзи қисмларининг уйғунлашуви, бир-бирини тўлдириши борасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларда намоён бўлмоқда. Натижада монополияга қарши тартибга солиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ажралмас атрибутига айланди.

Монополияга қарши тартибга солишнинг таркибий тузилиши функционал ҳолати, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти иқтисодчи олимлар томонидан ҳам тадқиқот объекти сифатида танланган. Ижтимоий-иқтисодий, институционал соҳаларда рақобатларнинг кучайиши унинг янгича мазмун-моҳият касб этишига олиб келди.

Рақобатнинг объектив ривожланиш қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи мотивлари, конъюктурасидаги ўзгарувчанлик, инсониятнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларига, яъни динамик ўзгарувчан субъектив омиллар тизимида боғлиқлиги бу борадаги тадқиқот ишларини ҳам мураккаблаштирмоқда. Зеро, «дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда»¹. Шу маънода, глобаллашув даврида жаҳонда монополияга қарши тартибга солиш учун

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б.505.